



Ислом Нури

Имом Бухорий ривоят қилган ҳадисда Асвад ибн Язид айтиди: Мен
Оиша розияллоҳу анҳодан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам
уйларида нима ишлар қилардилар, деб сўраганимда: «Оиласининг
хизматида бўлар, намоз вақти бўлса намозга чиқар эдилар» деб жавоб
берди.

Имом Бухорий ривоят қилган ҳадисда Анас розияллоҳу анху дедилар:
«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг кафтларидан кўра
мулойимроқ бўлган на ипак, на бошқа нарсани ушламадим ва
Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг бўйидан кўра хушбўйроқ
бирон ҳидни топмадим».

Имом Термизий ривоят қилган ҳадисда Анас розияллоҳу анху дедилар:
«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг бўйидан кўра хушбўйроқ
бирон ҳидни топмадим».

Имом Термизий ривоят қилган ҳадисда Анас розияллоҳу анху дедилар:
«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг бўйидан кўра хушбўйроқ
бирон ҳидни топмадим».

Имом Термизий ривоят қилган ҳадисда Анас розияллоҳу анху дедилар:
«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг бўйидан кўра хушбўйроқ
бирон ҳидни топмадим».

Имом Термизий ривоят қилган ҳадисда Анас розияллоҳу анху дедилар:



Ислом Нури

«Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга ўн йил хизмат қилдим, ул зот менга бирон марта «уф» демадилар, биронта қилган ишим учун: «Нега бундай қилдинг!», қилмаган ишим учун: «Нега қилмадинг!», демадилар.»

Ўз уйидаги ҳолати ва оила аъзоларига бўлган муносабати хақида

Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда Оиша розияллоҳу анҳо дедилар: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам қўллари билан Аллоҳ йўлидаги жиҳоддан бошқа пайтда на бир аёлни ва на бир хизматкорни урдилар! Шахсиятларига нисбатан қилинган ишлардан асло ўч олмас эдилар. Фақат Аллоҳ ҳаром қилган ишларни қилинган пайтда Аллоҳ азза ва жалла учунгина интиқом олар эдилар.»

Ўз уйидаги ҳолати ва оила аъзоларига бўлган муносабати хақида

Муттафақун алайҳ бўлган ҳадисда Абу Хурайра розияллоҳу анҳу дедилар: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳеч қачон таомни айбламаганлар. Агар хоҳласалар еганлар, хоҳламасалар емаганлар.»

Ўз уйидаги ҳолати ва оила аъзоларига бўлган муносабати хақида



Ислом Нури

«Абу Довуд ривоят қилган ҳадисда Оиша розияллоҳу ано айтадилар: Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан сафарда бирга эдик, югуришда мусобақалашиб, мен у зотдан ўзиб кетдим. Кейинроқ тўлишган пайтимда яна мусобақалашдик, бу гал ўзиб кетдилар ва: «Бу галгиси аввалгиси билан тенг бўлди», дедилар.

Шарҳ:

Шарҳ:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам хонадонларида, оила аъзоларига нисбатан барча эргашиши лозим бўлган олий ахлоқ намунаси эдилар. Уйларида оилаларининг хизматларини адо этар, уларга нисбатан юмшоққўнгил, сабр-бардошли эдилар, ҳатто ходимларни ҳам ҳадеб танқид қилавермас, аҳли оилаларининг кўнгилларини ёзишга ҳаракат қилар, сафарга чиққанларида уларнинг дилларига сурур бахш этиш учун мусобақалашиб турар эдилар.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

1. Хонадон аҳлига нисбатан кичикқўнгил бўлиш, уларга юмшоқ муомала қилиш, кўмаклашиш, ҳазил-мутоиба қилиб туриш лозим.
2. Бу нарса эркак кишининг қадрини пасайтирмайди, аксинча, оширади. Чунки бу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг феълларидан.